

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 266-ҳадис

* روينا في "صحيح البخاري ومسلم" عن أبي هريرة رضي الله عنه، عن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: "ينزل ربنا كل ليلة إلى السماء الدنيا حين يبقى ثلث الليل الآخر فيقول: من يدعوني فأستجيب له، من يسألني فأعطيه، من يستغفري فأغفر له".

266/1. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кечанинг охирги учдан бири қолганида Раббимиз ҳар кеча дунё осмонига тушиб: «Ким Менга дуо қилади, ижобат этаман, ким Мендан сўрайди, сўраганини бераман, ким Менга истиғфор айтади, гуноҳларини кечираман», дейди», дедилар.

Имом Бухорий ривоятлари.

* وفي رواية لمسلم: "ينزل الله سبحانه وتعالى إلى السماء الدنيا كل ليلة حين يمضي ثلث الليل الأول فيقول: أنا الملك أنا الملك، من ذا الذي يدعوني فأستجيب له، من ذا الذي يسألني فأعطيه، من ذا الذي يستغفري فأغفر له، فلا يزال كذلك حتى يضيء الفجر".
وفي رواية: "إذا مضى شطر الليل أو ثلثاه".

Имом Муслимнинг ривоятларида: **«Кечанинг учдан бирининг аввали ўтган пайтда Аллоҳ таоло ҳар кеча дунё осмонига тушиб: «Мен подшоҳман, Мен подшоҳман, ким Менга дуо қилса, ижобат этаман, ким Мендан сўраса, бераман, ким Менга истиғфор айтса, уни кечираман», дейди. Мана шу ҳолат тонг отгунигача, (бошқа бир ривоятда: «кечанинг ярмигача ёки учдан иккиси ўтгунча») давом**

этади», дейилган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI